

СУДЛАРДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Мирзаев Фарходжон Тахирович
Фуқарорлик ишлари бўйича Избоскан
туманлараро судининг судьяси
Телефон: +99891 111-77-78

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда мамлакатимизда қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу жумладан давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда.

Фуқароларнинг давлат пенсиясига чиқиши учун уларга қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор ўзгартиришлар олиб борилди.

Бироқ, 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ва 80 ёшдан ошган ва ўзгалар параваришига муҳтож бўлган қарияларга қараб турилганлик ҳолати ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда.

Чунки, қонун бўйича ҳар йили бир маротаба электрон базага қараб турилганлик ҳолати қайд қилиниши лозимлиги кўрсатилган бўлсада, эски даврлар учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш масаласи очиқ қолганлиги сабабли пенсия ҳисоблашда иш стажига олинмиши қийинлашмоқда ва натижада маъмурий ва фуқаролик судларга аризалар киритиб келинмоқда.

Мазкур мақола айнан ушбу масалада судларда низоларни кўриб чиқишда турли ёндошувларга ечим топиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: пенсия, 1-гуруҳ ногиронлик, 18 ёш, қараганлик, давлат, Пенсия жамғармаси, шахс, болага қараб туриш.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарада тутилган.

Шунингдек, 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага қараб туриш вақти:

2022 йил 13 октябрга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари текшириш далолатномаси;

ногиронликда бўлганликни (1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болалар учун) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ўзганинг

парвариши зарурлиги тўғрисида (кексалар учун) даволаш муассасасининг тиббий хулосаси асосида белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларидан ва шахслардан сўраб чиқиш, шунингдек, уларнинг кўшниларидан сўраб чиқиш асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаларини расмийлаштиришнинг даврийлиги ҳар 12 ойга белгиланади. Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномалари I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс маълумотлари сақланаётган пенсия ишига тикиб қўйилади ва/ёки Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига юкланади ва қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади.

Қараб туришнинг ҳолати ногиронлиги бўлган болани ўз қарамоғига олган оиланинг аъзоси учун ҳам татбиқ қилинади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномалари мавжуд бўлмаганда қараб туриш ҳолати суднинг қарори асосида белгиланади.

Эндиликда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига кўра, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш вақти Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Пенсия жамғармасига ахборот тизими орқали юборилган электрон маълумотлар асосида аниқланади.

Агентлик автоматик тарзда фуқаронинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турганлиги тўғрисидаги электрон маълумотларни Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига юборади.

Агентлик томонидан ахборот тизими орқали юборилган фуқаронинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турганлиги тўғрисидаги электрон кўринишдаги маълумотлар фуқарога пенсия ҳисоблашда иш стаж сифатида инобатга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Шу борада мен амалиётда маъмурий судларда айнан ушбу соҳасида учраган айнан муаммолар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Амалиётда биламизки, Ўзбекистон Республикасида фуқаролар миллий кадриятларимиз ва маданиятимиздан, динимиздан келиб чиқиб, ногирон бўлган қариндошларига қараб, унга ҳаётда яқиндан ёрдамлашишади. Аксарият

ҳолларда эса, овқатланишида ҳам яқиндан кўмаклашишади, шунингдек, ётиб-туришида ҳам ёнларида мадад бериб туришади.

Бироқ, қараб турганлик ҳолатини акс эттириш лозимлиги, бу эса ўз навбатида қариганда пенсия тайинлашда қўшимча имтиёз сифатида иш стажига қўшилиши фуқароларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Шу сабабли, 1-гурӯх ногиронига қараб турган кишиларга ушбу даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблашда кўплаб норозиликлар сабаб бўлмоқда.

Жумладан, фуқаро Л.М. БТПЖ туман бўлимига ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилади ва ўз навбатида қарамоғида 1-гурӯх ногирони борлиги ва унга анча йиллардан буён қараб келаётганлигини маълум қилиб, ушбу даврларни ҳам пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб беришни сўрайди.

Бироқ, 2022 йил 13 октябрга қадар бўлган давр учун қараб турганлик фактини тасдиқлайдиган ҳар 12 ойлик давр учун далолатнома ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси йўқлиги сабабли ушбу давр пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш рад этилади.

Мазкур қарордан норози бўлиб фуқаро Л.М. маъмурий судга мурожаат қилади ва суднинг тегишли қарори билан фуқаронинг ариза талаби қаноатлантирилиб, БТПЖ зиммасига 1-гурӯх ногирон бўлган шахсга қараганлик даври иш стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилади.

Кўриниб турибдики, амалдаги ушбу тартиб, яъни ҳар 12 ойлик давр учун қараб турганлик маълумотномаси 2011 йил 8 сентябрдан бошлаб амалга киритилганлиги, унга қадар ушбу талаб мавжуд эмаслиги сабабли фуқаролар жуда кўплаб сарсон бўлишига олиб келокда.

Бундан ташқари, ҳар 12 ойлик давр учун қараб турганлик фактини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар БТПЖда амалда сақлаб келинмаяпти ва йўқотилмоқда. Натижада кейинчалик ушбу ҳолатлар фақатгина судлар орқали тиклаб берилмоқда.

Айрим ҳолатларда ушбу тоифадаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига тааллуқлилиги бўйича баҳс-мунозралар келиб чиқмоқда.

Биламизки, Маъмурий судлар маъмурий органнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва мансабдор шасларнинг хатти-ҳаракатларини қонунга ҳилоф деб топиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

Демак, 1-гурӯх ногиронлигига қараб турганлик вақтини иш стажига қўшишни рад этиш ҳақидаги қарор ёки хатти-ҳаракатлар ҳам маъмурий судларга тааллуқли бўлиши даркор.

Лекин, аслини олганда қараб турганлик вақти фақатгина юридик аҳамиятга эга бўлган факт тарзида кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки, суд юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни ҳам, агар бу қонун билан бошқа органнинг ваколатига берилмаган бўлса, аниқлашга ҳақли.

Хусусан, суд:

1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олганлик, оталик ва оталикни қайд қилиш;

ихтирони жорий этиш, таклифни рационализатор сифатида тавсифлаш;

бинога, пайга, автомобилга ва бошқа махсус рўйхатдан ўтказиладиган мулкка эгалик қилиш;

суғурта гувоҳномасининг тегишлилиги;

фуқарони ёки унинг ота-онасининг Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон Республикасига эвакуация қилинганлиги;

чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахсининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаганлиги фактини тасдиқлаши мумкин.

Суд юридик фактни аниқлаш ҳақидаги аризани, агар:

қонунга кўра бундай факт аризачи учун маълум юридик оқибатлар келтириб чиқарса (фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкый ҳуқуқларини вужудга келтирса, ўзгартирса ёки тугатса);

факт судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса;

аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактни ҳужжат билан тасдиқлашнинг бошқа имкониятига эга бўлмаса;

қонунчиликда уларни белгилашнинг ўзгача тартиби назарда тутилган бўлмаса, кўришга қабул қилади.

Юқоридагиларан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 44-сонли қарорининг 6-бандига қуйидагича ўзгартириш қўшимча киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

“Давлат пенсия таъминотига оид ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги ишлар судда кўрилиши мумкин:

иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини белгилаш ҳақидаги;

иш стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг тегишлилик фактини белгилаш ҳақидаги;

иш ўринларининг аттестация қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги;

1-гурӯх ногирон шахсларга ёки 16 ёшгача болаликдан ногирон болага қараб турганлик фактини белгилаш ҳақидаги;

фарзандига фаолиятнинг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги асоси бўйича Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг фаолият даврларини меҳнат стажига қўшишни рад этиш ҳақидаги қарорлари устидан шикоят бериш;

Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг пенсия тайинлашни рад этиш, пенсияни бир турдан бошқа турга ўтказишни рад этиш, пенсиядан чегирмалар қилиш тўғрисидаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги.”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил, ЎРҚ-938-II-сон, 37-модда “д” банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2011 йил, 12, 13, 14 ва 80-бандлари. (13.10.2022 йилга қадар)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2022 йил, 12, 13, 14 ва 61-бандлари. (13.10.2022 йилдан кейин)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 5-сонли қарори, 20.12.1991 йил, 2 ва 4-бандлар.